

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАҲМНОВ ҒАФФОРЖОН РЎЗМАТОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛУҒАВИЙ СИНОНИМИЯ ВА
ГРАДУОНИМИЯНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Раҳмонов Гаффоржон Рўзматович

Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро

муносабати 3

Rahmonov Gafforjon Ruzmatovich

The interaction of literal synonymy and graduonymy

in the Uzbek language..... 21

Раҳмонов Гаффордjon Рuzматович

Взаимоотношения между лексической синонимией и

градуонимией в узбекском языке 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

Иловалар

Приложение

Appendix 45

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАҲМОНОВ ҒАФФОРЖОН РЎЗМАТОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛУҒАВИЙ СИНОНИМИЯ ВА
ГРАДУОНИМИЯНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.Fil/PhD.387 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўқон давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муминов Сидикжон Мирсобирович
филология фанлари доктори, профессор

Қодиров Зиёидин Мамадалиевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида объектив олам ва тафаккур қонуниятларига асосланиб илмий изланишлар олиб бориш давр талабига айланди. Маълумки, объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар узлуксиз ўзгаришда, шунинг учун ҳам улар миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкор ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Албатта, бу жараён ва муносабатлар инсон тафаккури ҳамда тилида акс этади. Объектив нарса ва унинг хусусиятлари асосида шаклланувчи тушунчалар, бир тушунчалардан бошқаларининг ҳосил қилиниши, улардаги айнанлик ва фарқлилик, тил синонимияси ва градуонимияси ҳодисаларининг асосини ташкил этади. Шунинг учун сўнги йиллар тилшунослигида сўзлараро маъновий муносабатлар доирасини ўрганиш кенгайиб, маънодошлик, зид маънолилик ҳодисалари тадқиқи билангина чекланиб қолмасдан, маъновий даражаланиш (градуонимия) ҳодисасининг ҳам лисоний-луғавий тизимда мавжудлиги қайд этилди.

Дунё тилшунослигида тилнинг нутқ, жамият, маданият, миллий тафаккур, ҳатто сунъий интеллект билан узвий муносабатини текшираётган янги йўналишларнинг шаклланиши лингвистика олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тил бирликларининг шаклий жиҳатлари тадқиқи билан бир қаторда, мазмуний хусусиятлари ҳам тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ торта бошлади. Жумладан, лингвистикада лексема семантикасидаги айнанлик ва фарқлилик муносабатини ифодаловчи конструкцияларнинг қиёсий таҳлили билан боғлиқ тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, функционал-семантик категория сифатида мураккаб шартланиш муносабати асосига қурилган айнанлик ва фарқлилик муносабатини ифодаловчи лексемаларнинг қандай лисоний воситалар ёрдамида ифодаланиши ҳамда уларни семасиологик жиҳатдан пухта ўрганиш муҳим муаммо сифатида тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳадаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида ўзбек тилшунослиги олдига ҳам қатор янги вазифалар қўйилмоқда. «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»¹. Ҳозирги давр ўзбек тилшунослигини янги тадқиқот методлари билан бойитиш муаммосини долзарб қилиб қўймоқда. Лисоний бирликларнинг мазмуний томонига эътиборнинг кучайиши тилнинг луғат бойлигини умумийлик-хусусийлик, тил-нутқ дихотомияси асосида тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу эса сўзлараро маъновий даражаланиш (градуонимия) ва унинг ёндош луғавий синонимияга муносабатини ўрганиш масаласининг долзарблигини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 23 декабрь, №258.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида сўзлараро маъновий даражаланиш муносабатларининг мавжудлиги дастлаб О.Есперсен, Л.В.Щерба, С.Д.Кацнельсен, О.С.Ахманова, В.Г.Гак, В.М.Солнцев, Ю.Д.Апресян, Ю.С.Степанов, Н.И.Кондаков, Ф.де Соссюр каби тилшуносларнинг илмий ишларида қайд этилган бўлса, кейинчалик А.А.Уфимцева, Л.А.Новиков, Э.Сепир, Э.Н.Миллер² ва бошқа тилшунослар бу назарияни янада ривожлантирдилар.

Систем-структур тилшунослик нафақат тил бирликларининг индивидуал тузилишига, балки улар орасидаги муносабатларга ҳам катта аҳамият беради. Ана шуни ўз вақтида англаган Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар ўзларининг «Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари)» дастурий мақолаларида (1989) луғавий бирликлар орасидаги градуонимик, гипонимик, партонимик, функционаллик каби муносабатларнинг ўрганилиши зарур эканлигини кўрсатдилар. Хусусан, градуонимик сўзлар ва улар орасидаги муносабат масалалари Ш.Раҳматуллаев, Р.Юнусов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ш.Орифжонова,

² Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958. - С.375; Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т.1. - Л., 1958. - С. 35-36; Кацнельсон С. Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.:Наука, 1965. - С. 81-83; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966.- С.369; Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. - М., 1971. Т. 1.- С.95; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.:Наука,1971. - С.45; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. - М.:Наука, 1974.- С.368; Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М., 1975. – С. 38; Кондаков Н.И. Логический словарь – справочник. Второе исправленное дополненное издание. – М.: Наука, 1975. - С. 596; Соссюр. Ф.Д. Труды по языкознанию.- М., 1977. - С.141; Уфимцева А.А. Аспекты семантических исследований. - М.:Наука, 1980. - С.356; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: ВШ, 1982. - С.116; Сепир Э. Градуирование. НЗЛ. Выпуск XVI лингвистическая парадигма. – М., 1985. – С. 504; Миллер Э.Н. Содержательные функциональные основания единства антонимии номинативных единиц.// Филологические науки.- М., 1987. №6. - С. 44-49.

О.Бозоров, С.Ғиёсов, Р.Сафарова, Д.Хўжаева, Л.Худойбердиева, Н.Ширинова, Ж.ДЖумабаевалар томонидан тадқиқ этилди³.

Лексик синонимия масаласи типологик жиҳатдан ўрганилган⁴ лигига қарамай, луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати эса монографик йўналишда тадқиқ этилган эмас.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Кўкон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили луғавий синонимиясининг градуонимияга муносабатини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

синонимиянинг анъанавий ва замонавий талқинларига муносабат кўрсатиш;

лексемалар семантикасида мавжуд айнанлик ва фарқлиқларни аниқлаш;

синонимик қатордаги тафовутларнинг градуонимия ҳосил қилувчи омил эканлигини исботлаш;

лексик синонимия ва градуонимиянинг нисбий мустақиллиги ва мувофиқлигини қайд этиш;

предмет ва белги ифодаловчи синонимик қаторларнинг семантик таркибида градуонимиянинг мавжудлигини кўрсатиш ва изоҳлаш.

Тақиқотнинг объекти сифатида «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»⁵ ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»⁶ да берилган лексик бирликлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги лексик синонимларнинг айнанлик ва фарқлиқ хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг методологик асосини диалектиканинг миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор қонунлари, бутун-бўлак, шакл-мазмун, умумийлик-

³ Раҳматуллаев Ш. Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. - Б. 55; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф дисс...канд. филол. наук.-Ташкент, 1974. - Б.18; Ғиясов С. Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: АҚД-Т., 1983; Бегматов Э., Неъматов Ҳ. ва Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. № 6. - Б. 35-50; Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке: Автореф... канд. филол. наук. –Т., 1980; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1996; Хўжаева Д.Ш. Ўзбек тилида эпитет: Филол.фанл.номз....дисс. автореф – Тошкент, 1996; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фанл. докт. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1997; Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синономлари: Филол. фанл. докт. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1999; Худойбердиева Л.С.Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши: Филол. фанл. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2003; Ширинова.Н. Ўзбек тилида предметлик ва белги- хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фанл. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2009; ДЖумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия: Филол. фанл. докт. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2016.

⁴ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1974.- Б.307.

⁵ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1974. - Б.307.

⁶Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I,II,III,IV,V-том. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик, сабаб-оқибат каби категориялар ташкил этади. Тилшуносликда бугунга қадар қўлга киритилган семантик таҳлил билан алоқадор ютуқлар изланиш учун назарий манба бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотда систем-структур, компонент, оппозиция, тавсифий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

Ўзбек тили синонимик қаторларининг айнанлик, фарқлилик ҳамда градуонимик каби семантик-структур хусусиятлари очиб берилган;

лексик синонимлардаги дифференциал (фарқловчи) семалар аниқланиб, уларнинг маъновий даражаланиш ҳодисаси билан боғлиқлиги кўрсатилган;

луғавий синонимия (маънодошлик) ва градуонимия (даражаланиш) ҳодисаларининг нисбий мустақиллиги ва уйғунлиги аниқланган;

сўзларнинг маъно муносабатлари тизимида синонимик муносабатлар билан бир қаторда градуонимик муносабатларнинг мавжудлиги далилланган;

градуонимияда денотатив ва коннотатив семаларнинг миқдор ўзгаришларининг озлик-кўплик асосида шаклланиши очиб берилган;

предмет ва белги ифодаловчи синоним қаторларнинг градуонимик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси: диссертация материалларидан тилшунослик назарияси, семасиология, ҳозирги ўзбек адабий тили фанларидан маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, филология йўналиши талабаларига мўлжалланган дарсликлар, шунингдек, мутахассислик бўйича қўлланма, амалий тавсияларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкин;

диссертация материал ва хулосалари синонимия, градуонимия ҳамда семантиканинг назарий асосларини янада бойитиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилганлиги, материалларнинг объективлиги, тадқиқ асосининг методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материаллари ва хулосалари синонимия назариясини янада ривожлантириш, синонимик қаторлар семантикасини атрофлича ўрганиш, градуонимия ҳақидаги янги қарашларни такомиллаштириш, тил бирликларига айнанлик ва фарқлилик нуқтаи назаридан ёндашишнинг самарали натижалар беришига ишонтириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар сўзлар орасидаги маъновий муносабатларни тадқиқ этувчилар учун методология вазифасини ўтайди, янги типдаги синонимик ҳамда градуонимик луғатлар тузиш учун ёрдам беради. Шунингдек, диссертация материалларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида тилшунослик назарияси, ҳозирги ўзбек адабий тили, семасиология каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш натижаларидан: «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасининг лотин ёзувидаги кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» йўналишида фойдаланилган (3/1255-988-сон маълумотномаси). Натижада луғат сўзликлари маъносини изоҳлашда фойдаланилди;

тадқиқотчининг градуонимик бирликлар ҳақидаги назарий хулосаларидан «Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати» инновацион илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (3/1255-988-сон маълумотномаси). Натижада энантиосемик бирликлар маъносининг изоҳи илмий асосланган;

тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабатини ўрганиш материалларидан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 1 апрелдаги «Адабий муҳит» кўрсатуви сценарийсини яратишда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 22-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материаллар янги қарашлар асосида мазмунан бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 23 та илмий-амалий анжуманда, 2 та халқаро конференцияда маъруза шаклида баён этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг «**Лексик-семантик системада айнанлик ва фарқлилик**» деб номланган биринчи бобида лексемани семантик жиҳатдан компонент таҳлил қилиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда синонимияни сема асосида таърифлашга, синонимик қаторда айнанлик ва фарқлилик ҳодисаларини

очишга ҳамда дифференцияларга таянган ҳолда лексик синонимия ва градуонимиянинг нисбий мустақиллиги, уйғунлигини ўрганиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Жаҳон тилшунослигида сўзлараро маъновий даражаланиш муносабатларининг мавжудлиги дастлаб О.Есперсен, Л.В.Щерба, С.Д.Кацнельсен, О.С.Ахманова, В.Г.Гак, В.М.Солнцев, Ю.Д.Апресян, Ю.С.Степанов, Н.И.Кондаков, Ф.де Соссюр каби тилшуносларнинг илмий ишларида қайд этилган бўлса, кейинчалик А.А.Уфимцева, Л.А.Новиков, Э.Сепир, Э.Н.Миллер⁷ ва бошқа тилшунослар бу назарияни янада ривожлантирдилар.

Тилшуносликда дифференциал-семантик метод сўнгги вақтларда фаол қўлланмоқда. Бунда луғавий бирлик сифатида сўз «лексема», лексик маъно «семема», лексик маънонинг компоненти «сема» деб аниқланмоқда. Шунинг учун ҳам А. Ҳожиев семалар семеманинг мундарижасини ташкил этади⁸ деса, рус тилшуноси Л.А. Новиков семалар йиғиндиси семеманинг маъно таркибини ҳосил қилади⁹ деган фикрни илгари суради. Кўринадики, ҳар икки мулоҳаза ҳам мантиқан бир-бирига мосдир.

Лексема семантикасини компонент таҳлил қилиш ҳар бир лексеманинг семаларини тўлиқ очишда ва унга лексик синонимия нуқтаи назаридан ёндашишда, луғавий синонимиянинг лисоний моҳиятини ёритишда катта аҳамиятга эга.

Диалектик таълимот асосида ёндашадиган бўлсак, сўзнинг нафақат мазмун томонида, балки моддий қисми ҳисобланувчи товуш томонида ҳам ўзгаришлар юз берар экан, натижада янги ҳосилаларнинг вужудга келиши табиий бир ҳолдир.

Нарса сўз, мазмун ва шаклнинг яхлитлигидан иборат бўлиб, нарса ёхуд сўзнинг миқдоран ранг-баранг кўплигини шакллантириш зарурати туғилса, у ҳолда нарса ёки сўзлар кўплигининг ҳосил қилиш асосини айнанлик → фарқлилик → зиддият тизимидан излаш керак.

Айнанлик – бу нарсанинг ўзига ўзи тенглиги, бошқа нарса эмаслиги орқали аниқланади. Нарсанинг ўзига ўзи тенглиги айнанлик муносабати бўлиб, бу муносабат бир нарсанинг бир қанча нусхалари орасида намоён бўлади.

⁷ Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958. - С.375; Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т.1. - Л., 1958. - С. 35-36; Кацнельсон С. Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.:Наука, 1965. - С. 81-83; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966.- С.369; Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. - М., 1971. Т. 1.- С.95; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.:Наука, 1971. - С.45; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. - М.:Наука, 1974.- С.368; Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М., 1975. – С. 38; Кондаков Н.И. Логический словарь – справочник. Второе исправленное дополненное издание. – М.: Наука, 1975. - С. 596; Соссюр. Ф.Д. Труды по языкознанию.- М., 1977. - С.141; Уфимцева А.А. Аспекты семантических исследований. - М: Наука, 1980. - С.356; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: ВШ, 1982. - С.116; Сепир Э. Градуирование. НЗЛ. Выпуск XVI лингвистическая парадигма. – М., 1985. – С. 504; Миллер Э.Н. Содержательные функциональные основания единства антонимии номинативных единиц.// Филологические науки.-М., 1987. №6. - С. 44-49.

⁸ Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. - Б. 203.

⁹ Новиков Л.А. Семантика русского языка.- М.: 1982. - С. 116.

Фарқлилик айнанлик доирасидаги нозик ўзгаришларнинг бевосита кучайиб, ривожланиб бориши натижасида предметнинг нисбий ўзгачалик хусусиятларини намоён этишидир. Фарқлилик нисбатан кенг даража кўламига эгадир. У, бир томондан, айнанлик ҳолати, иккинчи томондан зидлик (бошқалик, бошқа нарсаларга айланиб бўлганлик) кўриниши билан боғлиқ бўлган оралик шаклланишидир. Бунга тилдаги синонимия, полисемия ҳодисалари билан боғлиқ бўлган тил бирликлари мисол бўла олади.¹⁰

Демак, юқоридагиги фикрлар систем-структур тилшунослик асосчиларидан бири бўлган Фердинанд де Соссюрнинг тил айнанлик ва фарқлиликлар атрофида айланади, буларнинг бири иккинчисининг терс томонидир¹¹ деган қарашининг моҳиятан тўғри эканлигини кўрсатади.

Тилшуносликда градация, яъни синтактик (матний) ифодадаги кучайтирилиш, кўтарилиш (климакс) ёхуд кучсизлантирилиш (антиклимакс) каби йўллар ҳақидаги қарашлар¹², шунингдек, тил бирликлари ва тизимида маълум семантик белгининг миқдоран озайиш ва кўпайиши ҳақидаги фикрлар анча илгаридан учрайди.¹³ Лексикологиядаги бу ҳодисага жиддий ёндашиш Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар томонидан ёзилган «Лексик микросемена ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари)» номли дастурий мақола¹⁴ билан бошланди. Орадан кўп вақт ўтмай, лексик градуонимия ҳақида дастлабки қарашлар вужудга кела бошлади.¹⁵ Шу қарашларга таяниб градуонимия ҳодисасининг табиати, тил тизимида тутган ўрни, ёндош ҳодисалардан фарқи ёки уларга ўхшашлиги каби қатор масалалар тилшунослигимизда ўз ечимини топишга улгурди.¹⁶

Луғавий даражаланиш лексема ва фраземаларнинг семантик қурилишларига хос бўлиб, бунда ҳар бир мустақил семема таркибида бир турдаги белгининг озлик ва кўплик ҳолатини акс эттирувчи умумий сема мавжуд бўлади. Аслида шу сема алоқадор бўлган белгининг икки ёки ундан ортиқ лексема ва фраземаларга ҳослигидан луғавий бирликларнинг даражаланиш (градуонимик) қатори юзага келади.

¹⁰ Раҳматуллаев Ш. Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. - Б. 55.

¹¹ Фердинанд де Соссюр. Труды по языкознанию. - М., 1977. - С.141.

¹² Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1969. - С. 112-197; Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация:НДА –Фарғона, 2004. - Б.18; Мамажонов А., Махмудов У. Услубий воситалар. – Фарғона, 1996.

¹³ Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958. - С.375; Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т.1. - Л., 1958. - С. 35-36; Кацнельсон С. Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.,-Л., 1965. - С. 81-83; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. - М., 1971. - С.45; Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. - М., 1975. - С.38; Нигматов Х. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков. // Сов. Тюркология. –М., 1976, №3. - С. 32.

¹⁴ Бегматов Э., Неъматов Ҳ. ва Расулов Р. Лексик микросемена ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989, № 6. - Б. 35-50.

¹⁵ Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке: Автореф... канд. филол. наук. –Т., 1980; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фанл. номз. ...дисс. афтореф. –Тошкент, 1996.

¹⁶ Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фанл. номз. ...дисс. афтореф. –Тошкент, 1996; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш; Филол. фанл. докт. ...дисс. афтореф. –Тошкент, 1997; Худойбердиева Л.С.Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши: Филол. фанл. номз. ...дисс. афтореф. –Тошкент, 2003; Ширинова.Н. Ўзбек тилида предметлик ва белги- хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фанл. номз. ...дисс. афтореф. –Тошкент, 2009; Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия: Филол. фанл. докт. ...дисс. афтореф. –Тошкент, 2016.

Луғавий градуонимиянинг ўзига хослигини лексик ва фразеологик бирликларнинг семантик белгилари келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтганда, лексик градуонимия денотатив ва коннотатив семаларга таяниб иш кўради. Денотатив ва коннотатив белгилар эса луғавий бирликларнинг семантик турларида ҳар хил ўзгаришларда гавдаланади.¹⁷ Шундай экан, лексик градуонимияни тадқиқ этишда денотатив ва коннотатив маъно турларига, яъни лексик маънонинг таркибий қисмлари (компонентлари) бўлган семалар турларига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Тилшуносликда градуонимия сўзлараро маъновий муносабатларнинг алоҳида бир кўриниши сифатида ажратилгунга қадар, белгини даражалаб ифодаловчи сўзлар сираси синонимия доирасида ўрганилар, маънони даражалаб кўрсатувчи сўзлар кўп ҳолатда турли синонимик уялар ичига киритилар эди. Бунинг сабаблари ҳам мавжуд. Зеро, синонимик қаторлар маъноси бир-бирига мумкин қадар яқин бўлган сўзларни ўз ичига олади. Шунинг учун *бола* сўзининг маънодоши фақат *фарзанд* ва *зурриёд* сўзлари бўлиши мумкин. *Чақалоқ*, *нинни*, *гўдак*, *ўспирин*, *йигит/қиз* сўзларини *бола* сўзи билан синонимик муносабатда деб қараш, албатта, ноўрин. Шунинг учун даражаланиш қаторларини ҳосил қилувчи сўзлар жуда кўп ҳолатда синонимлар сирасидан четга чиқиб қолган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тил система экан, луғат тузиш ҳам систем табиатга эга ва тилда бирор сўз (лексема) йўқки, маълум бир луғавий парадигмадан ўрин олмаган бўлса. Синонимларни ажратишнинг, сўзларни синонимик парадигмаларга бирлаштиришнинг асосий омили сўзлар англатган, улар номлайдиган, атайдиган нарса, воқеа, ҳодиса, белги, хусусиятларнинг айнанлигидир.

Синонимик қаторга бирлаштиришда етакчи омил синонимик парадигмага оид сўзларнинг бир умумий денотатга (аталмишга) эга бўлиб, ўз парадигмаси ичида, асосан услубий бўёқдорлиги ҳамда қўлланиш доираси билан фарқланишидир. Градуонимик парадигмадаги сўзлар денотатлари орасидаги фарқ денотатларнинг сифатларида эмас, балки миқдорий кўрсаткичларидадир. Луғавий градуонимик парадигма сўзлари атаб, номлаб келган денотатлар орасидаги фарқлар миқдорий ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши оқибатидир.

Градуонимик муносабатлар билан боғланган сўзлар парадигмаси аъзолари денотатларда айна бир белгининг турли миқдорда ўсиб бориши ёки камайиши билан боғланган бўлади. Бир қарашда синонимия билан градуонимия орасидаги чегара аниққа ўхшайди: денотатлар бир хил бўлса синонимия, денотатлар сифат белгиларининг миқдори ҳар хил бўлса – градуонимия. Чунончи оқиш белгиси билан ҳажмнинг ошиб бориши семасида *ариқ* → *анҳор* → *сой* → *канал* → *дарё* каби градуонимик парадигмада оқиш белгисининг ҳажми кичик - *ариқ*, оқиш белгисининг ҳажми ариққа нисбатан катта - *анҳор*, оқиш белгисининг ҳажми анҳорга нисбатан катта - *сой*, оқиш белгисининг ҳажми сойга нисбатан катта – *канал* каби.

¹⁷ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: - Тошкент: Фан, 1995. - Б.71.

Синонимик ва градуонимик луғавий парадигмалар маълум бир нуқталарда кесишса, тўқнашса ҳам, улар бир ҳодиса эмас. Синонимия, асосан, сўзнинг маъно таркибидаги ифода ва вазифа семалари орасидаги фарқларга таянса, градуонимик луғавий парадигмаларни ажратиш сўзларнинг денотатив семалари таркибидаги миқдорий кўрсаткичлар билан алоқадор бўлган фарқларга асосланади. Шунинг учун градуонимик қатордаги ёндош сўзлар синонимик муносабатларга эга бўлади.

Диссертациянинг «**Предмет ифодаловчи лексемаларда синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати**» деб номланган иккинчи бобида предмет ва предметлик тушунчасини ифодаловчи синонимик қаторларда градуонимиянинг намоён бўлиши ҳодисаси тадқиқ этилган.

Юқорида эслатилганидек, синонимия маънолар бир хиллиги, ўзаро яқинлиги ёки ўхшашлигига асосланса, градуонимия фарқлилик омилларига таянади. Демак, синонимия ва градуонимия ҳодисалари омилларига кўра фарқланади. Аслида синонимларнинг бири ўрнида иккинчисини контекстуал қўллаш имконияти мавжуд бўлса, денотатив маъноларга асосланган градуонимларда бундай бўлиши мумкин эмас, (*шабада-шамол, юз-бет-афт-башара...* каби) семали даражаланиш қаторидаги *бетни афт* билан тенг деб алмаштириш мумкин эмас, чунки иккинчиси (*афт*) биринчиси (*бет*)дан салбий бўёққа эга бўлганлиги учун унинг (*бетнинг*) ўрнини боса олмайди. Умуман, синонимия ва градуонимия муносабатига доимо улар шаклланишининг бош омиллари бўлган айнанлик ва фарқлилик ҳодисаси нуқтаи назаридан қарамоқ керак. Коннотация доирасидаги нозик даражаланишлар айнанликнинг, яъни синонимиянинг тилда (нутқда) фаолият кўрсатиши учун замин тайёрлайди ва шу асосда улар синонимиянинг ҳам қўшимча белгилари ҳисобланади. Бу аслида айнанлик ва фарқлиликнинг ўзаро узвий боғлиқлик ва ҳамкорликда иш кўриши, бири иккинчисининг, яъни синонимик белгининг градуонимия ичига иккинчи даражали белги сифатида кириб боришидир. Бундай семантик ҳодисани абсолют синонимлар қаторида эмас, балки маъновий синонимлар қаторида кузатиш мумкин. Денотатив семалар сўзнинг атов мундарижасини ташкил этувчи семалардир. Улар ақл ёки тил тафаккури томонидан ҳосил қилинган мантикий-семантик белгилар бўлиб, буларнинг яхлит тизими сўзнинг асосий маъносини шакллантиради. Коннотатив семалар эса денотатив маънога турли хил субъективлик, эмоционаллик, ортиклик-камлик каби сифатларда ҳамроҳ бўлувчи қўшимча белгилардир¹⁸, - деб таъкидлайди тилшунос О. Бозоров.

«Ўзбек тили синонимларнинг изоҳли луғати»да предмет ифодаловчи лексемалардаги синонимик қаторлар сони 247 тани ташкил этади. Ушбу синонимик қаторлар таҳлилида улардан 69 тасида градуонимия ҳодисаси мавжудлиги аниқланди. Мазкур 69 та синонимик қатордаги лексемаларда аташ семаларининг айнанлиги, ифода (коннотатив) семаларининг эса фарқлилиги кузатилди. Масалан, *овора, сарсон, саргардон* синонимик

¹⁸ Бозоров О. Градуонимиянинг антонимия ва синонимияни шакллантиришдаги ўрни.// Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. №2. - Б.62-64.

қаторини таҳлил қилганимизда, бу қатордаги сўзларнинг аташ семаларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1. Ҳолат, 2. Жисмоний ҳолат, 3. Кезиш ҳолати, 4. Тентираш ҳолати. Ушбу аташ семалари юқоридаги синонимик қатордаги барча сўзлар учун умумийдир. Белгининг ортиқ-камлигига кўра ҳолатнинг меъёрдан ортиқлиги билан фарқланади, яъни *овора* лексемасида ҳолат меъёрда, *сарсон* лексемасида меъёрдан бир поғона ортиқ, *саргардон* лексемасида эса меъёрдан икки поғона ортиқдир. Демак, мазкур синонимик қатордаги аъзолар кучайиб бориш белгисига кўра градуонимия ҳодисасини ўзида шакллантиради.

Мазкур синонимик қаторда градуонимиянинг намоён бўлиши қуйидагича:

``тентираш ҳолати`` даражалари

овора	сарсон	саргардон
1	2	3

(шакл иловада берилган)

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да нарса-буюм денотатли лексемаларни ифодаловчи синонимлар қаторининг сони 18 та. Кузатишлардан маълум бўлдики, айти 18 та нарса-буюм денотатли лексемалар синонимик қаторидан 7 тасида градуонимия юзага келган.

Синонимик қатордаги ўзаро семантик синонимларни ташкил этувчи икки ёки ундан ортиқ сўзнинг лексик маъносидаги ифода ҳажмига, прагматик семасига ва услубий томонларига кўра ўзаро фарқланади. Масалан, *буюм, нарса, мол, мато(х)* синонимик қатори прагматик семасига, *безак, зийнат, ҳашам* синонимик қатори ифода ҳажмига, *осмон, кўк, гардун; пул, ақча, муллажиринг, якан; совға, ҳадя, тортиқ; хат, нома, мактуб* синонимик қаторлари услубий томонлари билан ўзаро фарқланади. Бу синонимик қаторларда ниҳол → кўчат → дарахт; кулба → уй → ҳовли каби тўлиқ градуонимик ҳолат кузатилмаса-да, қисман мавжуд. Масалан, ``рўзғорда керакли (қўлланадиган) предмет`` семемасида: *буюм, нарса, мол, мато(х)* синонимик қаторини таҳлил қилганимизда, ушбу синонимлар қаторидаги лексемаларнинг эмоционаллик белгисига кўра ўзаро фарқланишини кузатишимиз мумкин. Мазкур синонимик қатордаги *нарса* лексемасида эмоционаллик белгисининг меъёрдалигини, яъни мўътадиллигини, *буюм* лексемасида меъёрдан ижобий муносабатга ўтишини, *мол* лексемасида эса эмоционаллик белгиси меъёрдан салбий муносабатга томон бир поғона ўтаётганлигини, *мато(х)* лексемасида эса белги меъёрдан салбий муносабатга икки поғонага кўтарилганлигини кўриш мумкин.

Демак, ушбу синонимик қатордаги лексемалар прагматик семасига кўра ўзаро фарқланиб, градуонимия ҳодисаси қуйидагича ифодаланади:

``керакли предметни ифодалаш белгиси`` даражалари

мато(х)	мол	нарса	буюм
-2	-1	0	+1

(шакл иловада берилган)

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да ҳодиса архисемаси остида 200 дан ортиқ синонимик қатор ташкил топади. Мазкур синонимлар

қаторини белги–хусусият, ҳаракат–ҳолат, воқеа–ҳодиса ва ўрин–жой ҳодисаси денотати бўйича гуруҳларга ажратиб, таҳлил қилинганда белги–хусусият ҳодисасини ифодаловчи синонимлар қаторининг 38 тасидан 14 таси, ҳаракат–ҳолат ҳодисаси бўйича синонимлар қаторининг 90 тасидан 29 таси, воқеа–ҳодиса денотатини ифодаловчи синонимлар қаторининг 30 тасидан 8 таси, ўрин–жой маъносини ифодаловчи синонимлар қаторининг 12 тасидан 2 таси дифференциал семалар асосида фарқланиб, градуонимияни ифоладаши аниқланди.

‘Ҳодиса’ архисемаси асосида шаклланган синонимик қаторда воқеа–ҳодиса денотатини ифодаловчи лексемалараро градуонимияни қуйидагича изоҳлаш мумкин. ‘Ҳаво оқимининг горизонтал йўналишидаги ҳаракати’ семемасига эга *шамол, шабада, ел, сабо* СҚидаги лексемаларнинг интеграл семаси айнан бўлиб, дифференциал семаси асосида фарқланади. *Шамол* ва *ел* лексемаларида эсиш ҳаракатининг тезлиги меъёрда бўлса, *шабада* лексемасида эсиш ҳаракатининг тезлиги меъёрдан бир поғона кам бўлади. *Сабо* лексемасида эса меъёрдан икки поғона камдир. Агар мазкур синонимик қатор градуонимик қаторга айлантирилса, *бўрон, довул, тўфон* лексемаларини ҳам киритишимиз зарур. У ҳолда мазкур лексемаларда эсиш ҳаракатининг тезлиги меъёрдан анча ортиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Тилшунос Д. В. Ваққосова ҳаракат асосида даражаланиш қаторини шабада → шамол → бўрон → довул деб ажратади. *Шабада* лексемаси *шамол* лексемаси билан қиёсланганда, улар қатор семалари ‘табиат ҳодисаси’, ‘ҳаракатланувчи’, ‘эсиш’ кабилар билан юзага чиқувчи белги асосидаги сема орқали фарқланишини таъкидлайди¹⁹.

Шахс денотатли лексемалар синонимик қатори «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да 59 тани ташкил этади. Шу 59 та шахс денотатли лексемаларнинг 15 таси интеграл семалари билан айнанликни, дифференциал семалари билан эса фарқлилиқни ҳосил қилади.

Масалан, ‘алдаш, авраш билан ўз манфаатига ишловчи шахс’ семемасига эга *алдамчи, қаллоб, товламачи, қаллоб* синонимик қаторидаги сўзларнинг барчаси учун аташ семалари умумий, яъни ‘алдашга усталик’ дир. Коннотатив семалари эса алдашга усталикнинг меъёрдан ортиқлиги билан фарқланади, яъни *алдамчи* лексемасида алдашга мойиллик меъёрда, *товламачи* лексемасида меъёрдан бир поғона ортиқ, чунки унда алдаш кўрқитиш билан амалга оширилади. *Фирибгар* лексемасида алдашга мойиллик икки поғона ортиқ, чунки унда алдаш макро ҳийла билан амалга оширилса, *қаллоб* лексемасида алдаш турли найранг ишлари билан амалга оширилгани учун ҳам у меъёрдан уч поғона ортиқ. Демак, мазкур СҚидаги барча аъзолар ортиқ–камлик белгисига кўра градуонимик ҳодисани ўзида шакллантиради.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ушбу синонимик қаторда градуонимиянинг намоён бўлишини қуйидагича белгилаш мумкин:

¹⁹ Ваққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили : Филол. фанл. номз. ...дисс. автореф. –Фарғона, 2005. - Б.7.

алдаш белгисининг кучлигига кўра даражалар

алдамчи	товламачи	фирибгар	қаллоб
1	2	3	4

(шакл иловада берилган)

Диссертациянинг «Белги ифодаловчи лексемаларда синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати» деб номланган учинчи бобида белги ифодаловчи лексемалардаги синонимик қаторларда градуонимиянинг намоён бўлиши тадқиқ этилган.

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да белги ифодаловчи лексемалардаги синонимик қаторлар сони 149 тани ташкил этади. Ушбу синонимик қаторлар семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда, уларнинг 81тасида градуонимик муносабатга киришиш имконияти мавжудлиги аниқланди. 81та белги ифодаловчи лексемалар синонимик қаторидаги лексемаларнинг интеграл, яъни аташ (денотатив) семалари айнан бир хил, дифференциал, яъни ифода (коннотатив) семалари эса фарқлилик ҳолатида эканлиги кузатилади. Ана шу фарқлилик ҳолатига асосланиб, уларда градуонимиянинг намоён бўлишини қуйидагича белгилаш мумкин: *яхши*, *дуруст*, *тузук*, *бинойи*, *ажабтовур*, *қойилмақом*²⁰ синонимик қаторини таҳлил қилганимизда, айти қатордаги лексемаларнинг аташ семаларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1) `белги`; 2) `барқарор белги`; 3) `сифат белги`; 4) `шахсий баҳо`, `ижобий`; 5) `ички – ташқи`. Юқоридаги синонимик қатордаги барча сўзлар учун аташ семалари умумийдир. Бироқ коннотатив семалар эса белгининг меъёрдан кам ёки ортиқлиги билан фарқланади. Яъни *яхши* лексемасида белги меъёрда, *дуруст* лексемасида белги меъёрдан бир поғона кам, *тузук* лексемасида белги меъёрдан икки поғона кам бўлса, *ажабтовур* лексемасида эса, аксинча, белги меъёрдан бир поғона баланд, *қойилмақом* лексемасида белги меъёрдан икки поғона юқорида ифодаланади. Айти синонимик қатордаги аъзолар коннотатив сема доирасида, яъни кучайиб бориш белгисига кўра фарқланиб, градуонимияни юзага келтирмоқда.

Натижада, юқорида берилган СҚидаги сўзлар қуйидагича даражаланиш қаторини ҳосил қилади:

белги – хусусиятни ижобий белгилаш даражалари

дуруст	тузук	яхши	ажабтовур	қойилмақом
1	2	3	4	5

(шакл иловада берилган)

Хусусият билдирувчи синонимик қаторлар «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да 36 тани ташкил этади. Ушбу 36 та СҚдан 21 тасида градуонимия ҳодисаси воқеланган. Масалан, `иш-ҳаракатни нормал бажариш, уйдлаш қобилияти йўқ, эпчилликнинг акси` семемасини изоҳловчи *лапашанг*, *лаванд (лаванг)*, *эпашанг*, *бўшанг*, *ландавур*, *ношуд*, *сўтак*, *бўш-баёв*, *латта* синонимик қаторидаги лексемалар дифференциал семаси асосида фарқланади.

²⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. - Б. 239.

Юқоридаги СҚидаги лексемаларнинг лексик маъносига диққат қилинса, `ишни, гапни уйдлаш қобилияти йўқлиги даражасида қисман экспрессивлик белгисига кўра фарқланишини кўриш мумкин. Мазкур СҚдаги *бўш-баёв* лексемаси *бўшанг* лексемасидан, *ношуд* лексемаси *лапашанг* лексемасидан, *лаванд/эпашанг* лексемалари эса *ландавур* ҳамда *латта* лексемаларидан `ишни, гапни уйдлай олмаслик` белгиси юқорига томон ўсиш натижасида даражаланиш ҳолатини ташкил этган. Шунинг учун ҳам ушбу синонимик қатордаги лексемаларнинг озлик-кўплик белгисига кўра ўзаро фарқланишига асосланиб, уларда градуонимиянинг намоён бўлишини қуйидагича белгилаш мумкин:

`ишни, гапни уйдлаш қобилияти йўқлиги` даражалари

бўш-баёв	бўшанг	ношуд	лапашанг	лаванд	ландавур	латта
1	2	3	4	5	6	7

(шакл иловада берилган)

Ҳолат билдирувчи лексемалар синонимик қаторлари «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да 71 тани ташкил этади. Ушбу 71 та СҚдан 35 тасида дифференциал семаларига кўра градуонимия намоён бўлади. Масалан, `куч-қуввати нормал даражадан ортиқ, кучсизнинг акси` семемали *кучли*, *бақувват*, *забардаст* лексемаларининг лексик маъноларида `куч-қувватининг қай даражада ортиқлиги` белгиси *кучли* лексемасида `нисбатан ортиқ` бўлса, *бақувват* лексемасида `жисмоний кучнинг ортиқлиги`, *забардаст* лексемасида `куч-қувват нормал даражадан ўта ортиқлиги`ни, яъни `кудратли` эканлигини ифодаламоқда. Шунга кўра айни СҚидаги ҳолат билдирувчи лексемаларда градуонимиянинг намоён бўлиши қуйидагича:

`куч-қувватнинг ортиқлиги` даражалари

кучли	бақувват	забардаст
1	2	3

(шакл иловада берилган)

Шакл-кўриниш билдирувчи лексемалар синонимик қаторлари «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да 29 та бўлиб, ана шу 29 та СҚидан 14 тасидаги лексемалар дифференциал семасига кўра ўзаро фарқланиб, градуонимия ҳодисасининг намоён бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

